O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 2 июнь, № 105 (3904) Жума





**Шу кунларда мамлакатимизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ёзги имтиҳонларга тайёргарлик қизғин давом этаяпти. Бунинг учун ўқув масканларида барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий кутубхоналар, фан кабинетлари, лабораториялар, интернетга уланган компьютер хоналари талабалар ва ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.**

## АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

*Қарши банк коллежи Қашқадарёдаги энг навқирон ўқув даргоҳларидан бири. Коллежда банк иши, молия, бухгалтерия, солиқ ва солиққа тортиш йўналишлари бўйича бўлимлар мавжуд.*

*—Ўқув юртимизда ўндан зиёд миллат вакилларидан иборат 610 нафар ўқувчи билим олади, — дейди коллеж директори Н. Шодмонов. — Шуниси қувончлики, улар бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ: Ўқувчиларимизнинг орзуси келгусида яхши мутахассис бўлиб етишиб, юртимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиш.*

***СУРАТЛАРДА:** банк иши бўлими аълочи ўқувчиси Муҳаббат Мусаева; коллеж биносининг умумий кўриниши.*

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кейинги йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида республикада давлат таълим стандартлари, умумий ўрта таълим ўқув режалари ва дастурлари талай даражада такомиллаштирилди, уларга мувофиқ замон талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини, "Меҳрибонлик" уйлари, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилган. Ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизими синов тариқасида жорий этилмоқда.

Шу билан бирга дарсликларни сотиш механизми аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондиришни ҳисобга олган ҳолда бутун республика ҳудудида чакана савдонинг пухта тизимини ташкил этиш ҳамда уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш жараёнига педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини кенг жалб этиш йўли билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш механизми ҳамда ижара тизимини, шунингдек дарсликлар чакана савдоси кенг тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этишга буюртманомалар тўпламини шакллантиришнинг янги механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни чиқариш ва сотишга йиллик прогноз квоталари педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштирокида ҳар йили ўтказиладиган ихтисослаштирилган китоб кўргазма-ярмаркалари, шунингдек умумтаълим мактаблари кутубхона фондларини хатловдан ўтказиш натижасида белгиланади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Ўзкитобсавдо" ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларини ташкил қилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда умумтаълим мактаблари биринчи синфларининг ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2- 4-синфлар учун — икки йилда бир марта ва 5-9-синфлар учун — тўрт йилда бир марта янгиланади.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси (Р.С.Қосимов) умумтаълим мактаблари учун янги ўқув режалари, дарсликларни экспертизадан ўтказиш ва маъқуллаш чоғида дарсликларни янгилашнинг белгиланган муддатига риоя этилиши ҳамда уларнинг мазмуни асоссиз ўзгартирилишига барҳам берилишига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 декабргача:

кейинги ўқув йилига тавсия этиладиган дарсликлар рўйхатини, шунингдек янгиланган варианти чиқарилгани муносабати билан бекор қилинган дарсликлар рўйхатини ота-оналарга маълум қилишни;

умумтаълим мактаблари кутубхона фондларининг зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганлигини, шунингдек утилизация қилинадиган жисмоний ва маънавий эскирган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни аниқлаш мақсадида мазкур кутубхона фондларини хатловдан ўтказишни;

навбатдаги ўқув йили учун ўқитиладиган тиллар, номлар ва синфларга қараб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган ярмаркалари, педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари фикрини ўрганиш, шунингдек хатловдан ўтказиш натижалари асосида предметлар бўйича дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқариш ва сотишга прогноз квоталари шакллантирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларни ярмаркаларда тузилган шартномалар бўйича чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили шакллантириладиган прогноз квоталари асосида ҳар йили 1 июлга қадар зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқарилишини ташкил этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг нашриёт расмийлаштируви ва матбаа ижроси давлат стандартини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқсин ва қайтадан тасдиқласин, уларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган фойдаланиш муддати давомида тегишли жисмоний ҳолатини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни нашр

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги соатда

## Ўзбекистон – Германия 2,5:1,5

***Италиянинг Турин шаҳрида давом этаётган 37-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси якунланишига саноқли кунлар қолди.***

Ҳамюртларимиз мусобақада совринли ўринларни қўлга киритиш учун бор имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси ўнинчи турда Германия шахматчиларига қарши дона сурди. Шу куни Темур Гареев Лузер Сома устидан ишончли ғалабага эришди. Бу Темурнинг мусобақадаги олтинчи ғалабаси ҳисобланади. Рустам Қосимжонов — Аркадий Найдич, Алексей Барсов — Ян Густафсон, Антон Филиппов — Кристофор Лютс ўйинларида дуранг натижа қайд этилди. Умумий натижа 2,5 : 1,5 ҳисобида шахматчиларимиз фойдасига ҳал бўлди.

Ўнинчи турдан сўнг Арманистон жамоаси ўз ҳисобидаги очколарини 29 тага етказиб, мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Иккинчи ўринда бораётган Хитой шахматчилари ҳисобида 27 очко бор. Россия ва Чехия Республикаси вакиллари 26,5 тадан очко билан учинчи ва тўртинчи ўринларни банд этиб туришибди. Ўзбекистонлик шахматчилар 25 очко билан саккизинчи поғонадан жой олишган.

Аёллар терма жамоамиз ўнинчи турда Эквадор шахматчиларига имкониятни бой берди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## МАДАНИЙ МЕРОС МУҲОФАЗАСИ

***Кеча қуйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ва маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кириш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзга шахсга беришни ман этиш ҳамда уларнинг олдини олишга оид халқаро нормаларни имплементация қилишнинг долзарб жиҳатлари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

Унда турли давлатлардаги, жумладан, мамлакатимиздаги маданий меросни муҳофаза қилиш амалиёти таҳлил қилинди. Ушбу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Анжуманда маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзга шахсга беришни ман этиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Конвенция ва ЮНЕСКО доирасида қабул қилинган турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўриб чиқилди. Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилигига халқаро нормаларни имплементация қилиш масалалари, маданий мерос муҳофазасида ЮНЕСКОнинг ўрни, маданий мерос объектларини ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишга оид муаммолар ҳам муҳокама этилди. Яна республикамизда маданий меросларни олиб кириш ва олиб кетишга оид қонунчиликнинг қўлланилиши, маданий мерос муҳофазасига оид мамлакатимиз қонунчилигини халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштиришнинг айрим масалалари ҳам таҳлил этилди.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган маданий ва илмий ҳамкорлик дастури имзоланди.***

## Ҳамкорлик дастури имзоланди

Ҳужжатни ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниев ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Анжело Персиани имзолади. У таълим, илм-фан ва технологиялар, маданият ва санъат, археология, маданий меросни қайта тиклаш, сақлаш ва муҳофаза этиш, шунингдек, бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришни кўзда тутади.

Томонлар мазкур ҳужжатнинг имзоланиши икки мамлакат ўртасида юқорида санаб ўтилган соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш борасида янги имкониятларни очишига ишонч билдирди.

**«Жаҳон» АА.**

## Бултурги хато такрорланмасин

***Сурхондарёлик фермерларни бир муаммо қийнаяпти.***

***— Гул кўрсата бошлаган ғўзага зараркунанда ҳашарот хуруж қилмоқда: ўргимчаккана, шира, беда қандаласи... Қандала чўқиб ё сўриб кетган ғўзанинг шонаси ўз-ўзидан тўкилиб кетмоқда, — дейди «Халил» фермер хўжалиги раҳбари Равшан Халилов.***

***Шу йил 29 май куни эрталаб Қумқўрғон туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди идорасига юз нафар фермер келди: химикат олиш керак, далага ишлов бериш керак. Акс ҳолда...***

*Масъулият*

«Какайда» фермер хўжалиги бошлиғи Абдимўмин Жумаевнинг шу мазмундаги гапларини отряд бошлиғи Саид Турсунпўлатов эшитгисиям келмади. — Бизга ўтказган пулингиз тугаб қопти. Сизга ҳеч нарса беролмаймиз, — деди у фермерга.

— Пулимизни туя қиляпсиз. У-бу харажатларингизга ишлатяпсиз. Шартномага кўра энди ҳожатимизни битказинг, — дейди ер эгаси ҳам бўш келмаган бўлиб.

Турсунпўлатов бир кулиб қўйган бўлади-да, елкасини учиради.

«Ариқ ошган» фермер хўжалигининг бошлиғи Зоир Шерназаров анча ўткир экан. Ўтириб олиб Турсунпўлатов билан бир соат мунозара қилди. Турсунпўлатов «Дала назоратчиларининг далолатномасини кўрсатинг» деса, Шерназаров «Назоратчингиз умуман далага бормайди», дейди. Турсунпўлатов «Ғўзага ҳашарот тушганини сиз қайдан била қолдингиз?» деса, Шерназаров «Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Мирзаев даламизни кўриб, ишлов бериш ҳақида топшириқ қилди», дейди.

Шундан сўнг Турсунпўлатов «Сурхондарё вилоятида ғўза ва ғаллани зараркунандалардан, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш» деган китобни кўрсатади. Химиявий ишлов тўла самара бермас, дегандай гапни айтади.

— Ҳашаротни қандай қилиб йўқотайлик бўлмаса? — деган саволга отряд бошлиғи яна бир кулиб қўяди-да, елка учиради. Ва соатига қарайди. Унинг шошиб турганини кўрган, идорадан чиқиб кетганидан сўнг бу ерга қачон қайтиб келиши номаълумлигини сезган бошқа фермерлар Турсунпўлатовга «Саид акажон»лаб бошлайдилар. «Нима қилайлик», «Айтинг назоратчиларингизга, даламизга борсин», «Ишқилиб, бултурги аҳвол такрорланмасин».

Бултурги аҳвол такрорланмасин. Биз, газетхон, эътиборингизни шу гапга қаратмоқчимиз. Бултур сурхондарёлик пахтакорлар ер чизиб қолдилар. Шартнома режасининг бажарилишига оз эмас, етмиш минг тоннага яқин хомашё етмади. Ва, тажрибали деҳқонларнинг айтишича, бултур ёз ойларида ғўза зараркунандаларига қарши лозим даражада иш олиб борилмаганидан шундай ҳолат содир бўлди. Ўшанда деҳқонларнинг, «Ҳосил тугунларини қандала нобуд қиляпти», деган хавотирларига айрим мутахассислар елка учириб қўя қолгандилар.

Кўриб турганингиздек, Турсунпўлатов яна елка учираяпти.

— Бўлажак ҳосил тақдири билан шу тахлитда ўйнашиш масъулиятданми? — дейди «Жайҳун» фермер хўжалиги раҳбари Абдукарим Қурбонов.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲАР БИР ФАРЗАНДГА — МЕҲР-ЭЪТИБОР

*Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.*



Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Sen yolg'iz emassan", Болалар, "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" жамғармалари, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирга пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар ўғил-қизлари таклиф этилди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг комил инсонлар этиб вояга етишини таъминлаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг энг устувор йўналишларидандир. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури бераётган самаралар бунинг ёрқин намунасидир.

Бу йил 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни мамлакатимизда "Ҳар бир фарзандга — меҳр-эътибор!" шиори остида ўтди. Мазкур кунда ташкил этилган кўплаб концертлар, учрашувлар, фестиваль ва кўргазмалар, экскурсиялар, спорт мусобақаларида ўн минглаб болалар иштирок этди.



**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

(Давоми 2-бетда).

O'ZSANOATQURILISHBANK

***Ўзининг олий органи бўлмиш акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига «Ўзсаноатқурилишбанк» юқори даражадаги ривожланиш суръатларини сақлаган ҳолда, фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича барқарор кўрсаткичлар билан етиб келди. Бу банк, маълумки, Марказий Осиё минтақасидаги йирик банклардан бири. У ўз фаолиятини 1922 йилдан бошлаган бўлса, 1991 йилда акциядорлик тижорат банкига айлантирилган. Ўтган давр мобайнида у амалиётда катта тажрибага эга бўлди, республикада иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида фаол иштирок этди. Банк томонидан иқтисодиётнинг аниқ секторига, асосан ёқилғи-энергетика мажмуаларига йўналтирилган мақсадли инвестициялар, айниқса, мамлакатимизнинг келгуси ривожига, юқори иқтисодий салоҳиятининг шаклланишига кўмаклашмоқда.***

## «Ўзсаноатқурилишбанк»:

# БАРҚАРОРЛИК, МУТТАСИЛ РИВОЖЛАНИШ САРИ

«Ўзсаноатқурилишбанк» «S.W.I.F.T.» халқаро электрон тўлов тизими аъзоси, «Reuters Dealing-2000» трансмиллий ахборот дилинг тизими абоненти, Ўзбекистон банкларида аҳоли омонатларининг кафолатланганлиги тизими иштирокчиси, республика банклараро валюта биржасининг барча секциялари бўйича ҳақиқий аъзоси, Тошкент республика Фонд биржаси акциядори ва аъзоси, «Visa International» халқаро тўлов ассоциациясининг аъзоси, Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг аъзоси, «CONTACT», «Migom», «Interexpress» халқаро пул ўтказмалари тизимининг вакил банки ҳисобланади.

Банк аудитори «Ernst and Yong» йирик халқаро компанияси ҳисобланади. Мазкур компания томонидан «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг баҳоланиши унинг рақобатбардошлиги ва барқарорлигининг тан олинганлигидан далолат беради.

Корпоратив бошқарув тизимларини доимий мустаҳкамлаб бориш, банк бошқарувида акциядорларнинг фаол иштирок этиши банкнинг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш ва филиал тармоқларини ривожлантириш имконини бермоқда.

Жорий йил бошида банк тизимининг асосий йўналишларига амал қилган ҳолда, республика молия соҳасида аҳамиятга молик бўлган бирлашув амалга оширилди. Яъни, фаолиятни йириклаштириш ва кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон халқаро банки — «Ўзприватбанк» «Ўзсаноатқурилишбанк»ка бирлашуви шаклида қайта ташкил этилди. Бу эса инвестициявий ресурсларни жалб қилиш, активларнинг ўсиши ва мижозлар сонининг ошишига катта имконият яратди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» 2005 йилда республика молиявий бозорида ўзининг мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлаб бориб, режалаштирилган молиявий натижаларга эришди. «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси тадқиқотларига кўра, у мамлакатдаги йирик банклар ичида молиявий фаолият кўлами, ишончлилиги ва рентабеллиги бўйича мутлақ рейтингда юқори баллни қўлга киритди.

Аввалги йилларда бўлгани каби, бултур ҳам банк капитали ўсишининг даражаси сақлаб қолинди. Йилдан-йилга банк жами капитали оширилиб борилиб, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра 47,7 млрд. сўмга етди. Бошқача айтганда, бир йилда 7,1 млрд. сўмга ўсди. Келгусида банк устав капиталини мустаҳкамлаш ва ошириш мақсадида 2005 йилнинг октябрь ойида 1,8 млрд. сўм миқдордаги акцияларнинг янги олтинчи эмиссияси рўйхатдан ўтказилди. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра эса, 1,1 млрд. сўм миқдоридаги янги эмиссия акциялари жойлаштирилди ва банк устав капитали 11,3 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳозирда банкнинг жами акциядорлари сони 32,4 мингдан ортиқ бўлиб, 9,5 млрд. сўмлик акция эгалари бўлган 3,7 минг юри-




дик шахс ва умумий суммаси 1,8 млрд. сўмлик акцияси бўлган 28,6 минг жисмоний шахс шулар қаторига киради.

Банк активлари, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 542,7 млрд. сўмга етиб, аввалги йилдагига нисбатан 149,8 млрд. сўмга ортди. Активларни шакллантиришда банк хатарларни бошқаришнинг эгилувчан стратегиясини қўллаган ҳолда, ликвидлилик даражаси етарлилигини таъминлаб, валюталарнинг муддати ва тури бўйича активлар ва пассивлар таркибини мувозанатлаштирди ва қўйилмаларни минтақа, тармоқ, мижоз ва миқдорлари бўйича диверсификациялаб бормоқда.

Активларнинг умумий ҳиссасида эса даромад келтирадиган активлар 72 фоизни ташкил этди. Шундан асосий қисми, яъни 56,6 фоизи ёки 307 млрд. сўми кредит қўйилмаларидан иборат.




Маълумки, банк молиявий ҳолатининг ишончли индикатори унинг ресурс салоҳиятининг ҳажми ва тузилиши ҳисобланади. Шу боис 2005 йилда жамоа ўз ресурс базасининг барқарорлигига эришиш бўйича фаол иш олиб борди. Натижада «Ўзсаноатқурилишбанк» молиявий ресурсларининг умумий ҳажми 542,7 млрд. сўмни ташкил этди, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 149,8 млрд. сўмга ўсди. Шу билан бирга банкнинг ўз маблағлари жами кредит ресурсларининг 67,1 фоизини ташкил этди. Бошқача айтганда, банк бир вақтнинг ўзида ўз маблағлари ҳажмини кўпайтирган ҳолда, мақсадли давлат дастурини бажариш учун жалб қилинган марказлашган ресурслар ҳажмини камайтириб борди.

Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичи унинг олинадиган даромади эканлиги аён. Банк акциядорларига тўланадиган дивиденд миқдори эса ушбу даромадга боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, банк ҳар йили даромадни кўпайтириб бормоқда. Хусусан, 2005 йилга белгиланган даромад режаси 101,8 фоиз бажарилиб, рентабеллик даражаси 14,1 фоизни ташкил этди. Бу билан «Ўзсаноатқурилишбанк» асосий кўрсаткичларни ва даромадлиликни оширган ҳолда, белгиланган режаларни тўлиқ амалга оширди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг асосий ва анъанавий устуворликлари — бу ишончлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари бўлиб қолади.

Ҳисобот йилида банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган барча банк назорати талабларига оғишмай риоя этди. Банкнинг мажбурий захиралари 14,0 млрд. сўмга ўсиб, 23,2 млрд. сўмни ташкил этди. Капиталнинг энг кам етарлилик коэффициенти 0,10 бўлгани ҳолда, у 0,132-0,165 даражада сақланиб турди. Банк ликвидлиги кўрсаткичи меъёрда 30% бўлгани ҳолда, 47,2 фоиздан 80,7 фоиз даражасида сақланиб турди. Бу эса банк тўлов қобилиятининг юқори даражадалигини таъминловчи активлар ва пассивлар тузилмасининг мақбуллигидан далолатдир.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2005 йилги молиявий кўрсаткичлари унинг даромадлилиги ва ликвидлигининг барқарорлигини кўрсатиб турибди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» мижозлар манфаатини назарда тутадиган сиёсат юритиб, ўз фаолияти давомида бутун филиаллар тармоқларининг ривожланишига ҳам эътибор қаратмоқда.

Бир маромда, оқилона юритилган консерватив молиявий сиёсат, банк фаолиятининг анъанавий классик стандартлари, сифатли менежмент ва янги технологияларни қўллаш мижозларнинг банкка бўлган ишончини орттириб, унинг обрўсини мустаҳкамлаяпти.

Банк ресурс потенциалини кўпайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга ҳам жалб қилмоқда. Республикадаги йирик банклардан бири ҳисобланган «Ўзсаноатқурилишбанк» хусусий мижозлар билан ишлаш бўйича, яъни омонатлар шартларининг қулайлиги ва кенг турдаги депозитларни мунтазам таклиф қилаётганлиги билан етакчи ўринни эгаллайди. Эркин айирбошланадиган валютадаги ресурслар базасини кўпайтириш мақсадида чет эл валютасидаги аҳоли маблағлари ҳам омонатларга жалб қилинмоқда. Натижада, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, аҳолининг миллий ва хорижий валютадаги омонатлари ҳажми 76 млрд. сўмни ташкил этди. Бу 2005 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 34,5 млрд. сўм кўпдир.




Жорий йилнинг бошидан буён банк тизимида жами 180 дан ортиқ жамғарма кассаси фаолият юритмоқда. Улар омонатлар бўйича операцияларни амалга ошириш билан бир қаторда аҳолидан маиший ва бошқа хизматлар учун нақд пул маблағларини қабул қилаётир.

Бундан ташқари, банк томонидан аҳолининг электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, маиший хизматлар ҳамда бошқа хизматлар учун тўловларини қабул қиладиган 110 та махсус касса очилган. Аҳолига қулайлик яратиш ва коммунал тўловлар бўйича қарздорлигини камайтириш мақсадида банк филиаллари томонидан аҳоли яшаш жойларида сайёр кассалар ҳам ташкил этилган.

2005 йилда аҳолининг муддатли ва жамғарма омонатлари ҳажми 60 млрд. сўмга етиб, йил давомида 26,2 млрд. сўмга ўсди. Аҳоли омонатларидаги умумий суммасида уларнинг ҳиссаси 81,4 фоизга етди.

Банк ўз мижозларига хизмат кўрсатишни такомиллаштириб ва ривожлантириб борган ҳолда, «CONTACT», «Migom», «Interexpress» тизимлари бўйича халқаро пул ўтказмаларини ҳам амалга оширмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» республика пул ўтказмалари бозоридаги фаолиятини 2002 йилда бошлаган эди. Ҳозирги кунда банк бозорнинг мазкур сегментида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, бир вақтнинг ўзида пул ўтказмаларининг бир неча тизимини таклиф этаяпти. Бундай имконият банкка турли жўғрофий минтақаларни қамраб олиш ва натижада мазкур тизимдан фойдаланувчилар (мижозлар) учун қўшимча қулайликлар яратиш имконини бераётир. Шу билан бирга, улардан фойдаланиш даврида пул ўтказмаларини ўтказишнинг тезлиги, уларнинг хавфсизлиги ва юқори бўлмаган воситачилик ҳақи мазкур тизимнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

Банк филиалларида жойлашган омонат кассалари орқали «CONTACT», «Migom» ва «Interexpress» тизимлари бўйича пул маблағларининг халқаро ўтказмалари, айниқса, аҳоли ўртасида катта шуҳрат қозонди. 2005 йилда «CONTACT» тизимидан қарийб 223 минг жисмоний шахс фойдаланди, 114,7 млн. АҚШ долларидан ортиқ суммадаги хорижий валюта ўтказиб берилди ва тегишли хизмат кўрсатилди. «Migom» тизими орқали 17,6 мингта жисмоний шахсга хизмат кўрсатилиб, 18,5 млн. АҚШ долларидан ортиқ суммадаги хорижий валюта ўтказилди, «Interexpress» тизими орқали эса 2,5 минг жисмоний шахсга хизмат кўрсатилиб, 1,1 млн. АҚШ долларидан ортиқ суммадаги хорижий валюта муомалага киритилди.

Ҳозирги кунда халқаро пул ўтказмалари бўйича хизматларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Банк томонидан ресурс базасини кўпайтириш бўйича олиб борилган ишлар кредит қўйилмалари ҳажмини ҳисобот даврининг бошига нисбатан 71,5 млрд. сўмга ёки 30 фоизга ошириш имконини берди, шундан иқтисодиётнинг аниқ секторига 65,2 млрд. сўм ёки 28 фоизи йўналтирилди.

2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, иқтисодиётнинг реал секторига 299,1 млрд. сўм ёки умумий кредит қўйилмаларининг 97,4 фоизи йўналтирилди. Юридик шахсларга берилган кредитлар 21 фоизга, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 2,6 фоизга кўпайди.

Кредит портфелининг тузилмасида узоқ муддатли кредитларнинг умумий ҳиссаси 80,8 фоизни ташкил этди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё саноати, шунингдек, қурилиш индустриясига тегишли лойиҳаларни амалга оширадиган ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда ҳам етакчи банклардан бири ҳисобланади. Ҳисобот йилида банк хорижий сармояларни жалб этган ҳолда, йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришни амалга оширди. Банк томонидан, айтайлик, Шўртан газ-кимё мажмуи, Қўнғирот сода заводи, Толлимаржон ИЭС ва бошқа стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналар қурилиши лойиҳалари молиялаштирилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш — банк сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ҳисобот йилида банк кичик, хусусий корхоналар ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни фаоллик билан амалга оширди. Ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига, шу жумладан, имтиёзли асосда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун миллий валютада 20,3 млрд. сўм, инвестициявий лойиҳалар учун 10,6 млрд. сўм ва 4,6 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Банк юритаётган актив операцияларни диверсификациялаш сиёсати натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Ҳисобот даврида кредитнинг 41 фоизи саноатга, 13 фоизи қишлоқ хўжалигига, 16,0 фоизи қурилиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларига, 30 фоизи бошқа соҳаларга йўналтирилди.

Банк кичик бизнесни ривожлантиришда тижорат банкларининг иштирокини рағбатлантириш бўйича республика ҳукумати қарорларига таянган ҳолда, кредитлашнинг махсус имтиёзли фондини шакллантирди. Ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, юқори технологик ва инновациявий лойиҳаларни имтиёзли шартларда кредитлашга мўлжалланган Имтиёзли фонд ҳисобидан умумий суммаси 16,8 млн. сўмлик, шу жумладан, 2005 йил давомида 5,1 млрд. сўмлик кредитлар тақдим этилди.

Ҳисобот даврида микрокредитлашни ривожлантиришга, таълим кредитлари ажратишга ҳам катта эътибор берилди.

Банкнинг лизинг хизматлари эса янада ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Миллий ва хорижий валютада амалга оширилаётган лизинг операциялари ҳажми 3,9 млрд. сўмга ўсиб, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 7,4 млрд. сўмни, шу жумладан, миллий валютада 2,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк хўжалик юритувчи субъектларни миллий валютада молиялаш билан бир қаторда халқаро молиявий институтларнинг кредит линиялари ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан уларни кредитлашни ҳам фаол амалга оширмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» 2005 йил давомида ўз маблағлари ҳисобига флоат усулида листли силлиқланган ойна ишлаб чиқариш, 3-авлод уяли алоқаларига хизмат кўрсатишни ташкил этиш, рангли телевизорлар, биллур буюмлар тайёрлаш лойиҳаларини ва бошқа инвестициявий лойиҳаларни кредитлашни амалга оширди.

Ҳозирги кунда банкда ЭКА "Гермес" суғурта қопламаси остида Германиядан («Коммерцбанк АГ», «БайришеЛандес Банк АГ», «Банкгезельшафт Берлин АГ») технология ускуналари экспортини молиялаш, ЭКА "Эгап" суғурта қопламаси остида Чехия Экспорт банки, ЭКА «СИНОШУРЕ» суғурта қопламаси остида ICBC Хитой банки кредит линияси, ЭКА "САЧЕ" суғурта қопламаси остида Италия тижорат банклари (БНЛ) кредит линиялари очилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» 2005 йил давомида қимматли қоғозлар портфелини кенгайтириш ва иқтисодиётнинг ушбу сектори қатнашчилари сонини кўпайтириш юзасидан ҳам фаол иш олиб борди.

Банк томонидан пул муомаласини барқарорлаштириш ва миллий валютамиз қадрини мустаҳкамлаш бўйича эса доимий суратда ишлар амалга оширилмоқда. Республика Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларининг тўхтовсиз таъминланиши кафолатлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, банкнинг барча филиалларида қўшимча тарзда нақд пул маблағлари захираси ташкил этилган. Бу тезкор бошқаришга кўмаклашмоқда, мижозлар буюртмаларини қондириш учун бўш турган нақд пул маблағларининг етарли ҳажмини таъминлаш имконини бераяпти. Нақд пул маблағлари билан таъминлаш масалаларига тезкор жавоб бериш ва салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефонлари» ҳам ишлаб турибди.

Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга йўналтирилган ишлар эса изчил олиб борилмоқда, яъни тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва ўз вақтида амалга ошириш, ўзаро қарздорликни сўндириш схемалари ишлаб чиқилиб, кредит бериш турлари кўриб чиқилмоқда.

Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишда қулай шароитлар яратиш мақсадида банк маҳсулотларининг янги турлари жорий қилиниб, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Республикамизнинг барча ҳудудларида эса мини банклар тармоғи кенгайтирилиб, уларнинг сони 75 тага етказилди. Улар томонидан ҳисоб-китоблар бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг барча турлари таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, ҳисоб-китобларнинг сифатли ва қисқа муддатларда амалга оширилишини тезлаштириш учун хўжалик субъектларига бевосита иш жойидан туриб тўловларни амалга ошириш имконини берувчи 126 та «Банк-Мижоз» дастури рўёбга чиқарилмоқда.




Республикамизда тўлов тизимини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш ва замонавий банк технологиялари асосида ўзаро ҳисоб-китобларни нақд пулсиз тарзда амалга оширилишини ривожлантириш юзасидан ҳукумат қарорларини бажариш мақсадида эса пластик карточкалар тизимини жорий этиш ишлари жадаллаштирилаётир. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк 434 минг донага яқин пластик карточка чиқариб, 1605 та терминал ўрнатди. Шундан 85 фоизи савдо шохобчаларида, 15 фоизи омонат кассалари ва мини банкларда ўрнатилди. Бундан ташқари, аҳолини тўхтовсиз нақд пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида 20 та банкомат ишга туширилди. Пировардида пластик карточкалар воситаларида амалга оширилган банк айланмаси 19,4 млрд. сўмни ташкил этди, шу жумладан, савдо шохобчаларида 10,8 млрд. сўмлик, банк хизмат кўрсатиш пунктларида 8,6 млрд. сўмлик транзакциялар ўтказилди.

Ҳисобот йилида банк республикадаги корхона ва ташкилотларда иш ҳақи лойиҳалари сонини кўпайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ҳам амалга оширди. Бугунги кунда банк иш ҳақи лойиҳаларини кўпгина йирик саноат корхоналарида жорий этган бўлиб, улар орасида «Навоийазот», «Навоий ИЭС», «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Чирчиқ электркимёсаноат», «Аммофос», Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар мавжуд.

Мижозларга кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш мақсадида банк миллий валютада «Visa Business» корпоратив пластик карточкаларини ҳам чиқара бошлади. Мазкур карточка тури юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларга кунлик тўловларни амалга ошириш, шу жумладан, канцелярия, хўжалик моллари, автомобиллар учун ёнилғи-мойлаш материаллари, телерадио аппаратуралари, шунингдек, хизмат сафарлари ва бошқа харажатлар учун тўловларни амалга ошириш имконини беради.




Банкнинг ягона тўлов тизимига интеграциялашуви эса тугалланди, бу эса ўзининг «DUET» терминал карточка тизими орқали хизмат кўрсатиш имконини беради.

«Ўзсаноатқурилишбанк» бугунги кунда эквайринг сертификатидан ўтган бўлиб, ўз терминаллари ва банкоматлари орқали жаҳондаги бошқа тижорат банкларида чиқарилган барча халқаро «VISA» карточкаларига хизмат кўрсата олади. Банк чиқарган валюта карточкаларига эса бутун дунёдаги «VISA» терминаллари ва банкоматлари хизмат кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида «Offline» тартибида операцияларни амалга оширувчи «VSDC+» тизими ҳам жорий қилинмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк», шунингдек, пластик карточкалар эгаларига «SMS-Banking» хизматини ҳам кўрсатади. Мазкур хизмат мижозга мобил телефон орқали карточка ҳисобварағидаги қолдиқни билиш имконини беради. Айни чоғда, мижознинг пластик карточкаси орқали ҳар сафар транзакция амалга оширилганда, эгасининг мобил телефонига SMS-билдирги хабари келиб тушади. Бу мижоз хавфсизлигини таъминлаш усулларидан биридир.

Ҳисобот йилида кредит маълумотларининг Миллий институти (КММИ) билан маълумотларни автоматик айирбошлаш ҳам йўлга қўйилиб, ахборот тизимига уланди, республика Банклар ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган Банклараро кредит бюроси (БКБ) билан маълумотларни айирбошлаш дастури жорий этилди. Мазкур ташкилотлардан олинаётган маълумотлар мижозларнинг кредитга лаёқатликлари таҳлилини амалга оширишга ва республика тижорат банклари кредит хатарларининг камайишига кўмаклашади.

Кўп филиалли «Ўзсаноатқурилишбанк» ахборот тизимининг ривожланишида алоқа каналлари сифати, шубҳасиз, катта роль ўйнайди. Хусусан, марказдан узоқдаги вилоят ва туманларда жойлашган филиалларда бу масала долзарбдир. Савдо терминалларига хизмат кўрсатувчи фронт офислар ва шохобчаларга уланиб, алоқалар ўрнатиш ва банк ахборот тизимига уланиш бўйича катта ишлар ҳам амалга оширилди. Банк мутахассислари коммуникацияларни ташкил этишнинг муқобил вариантлари лойиҳасини ишлаб чиқиб, уларни жорий этмоқдалар. Бу эса савдо терминаллари тармоғини кенгайтириш, аҳолидан маиший хизматлар учун тўловлар қабул қилиш бўйича махсус кассалар ташкил этиш, республика аҳолиси учун қулай жойларда айирбошлаш шохобчалари очиш имконини беради.

Банкнинг самарали фаолиятида одатда бир гуруҳга бириктирилган, юқори тажрибали менежерлар ва ходимларни шакллантиришга йўналтирилган малакали кадрлар сиёсати кўпроқ ёрдам беради.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бир маромда ривожланиши даражаси ташкилий ва бошқарув тузилмасини мақбуллаштириш масалаларига доимо эътибор қаратиш билан асосланади. Бу эса банк рақобатбардошлиги ва молиявий ишончлилигини ошириш масалаларини самарали ҳал этишни таъминлайдиган бошқарув функциялари ва ваколатларини янада тўғри тақсимлашни талаб этади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ўзининг бой тажрибаси ва фаолият доирасининг устуворликларига асосланган ҳолда, келгусида ҳам бозорда кўп йиллик рақобатбардош мавқеини шакллантириб, мустаҳкамлаб боради. Барқарор ривожланиш дастури илғор банк маҳсулотлари ва хизматларини жорий этиш, молия бозорининг янги сегментларига тобора кириб бориш мақсадларига йўналтирилади. Банкнинг келажакдаги фаолияти эса корпоратив мижозлар ва акциядорлар сонини кўпайтиришга қаратилади.

**Банкни ривожлантириш стратегияси бошқармаси.**

## Мулоҳаза

***Собиқ синфдошлар бир даврага йиғилдилар. Ширин суҳбат қуришди. Мактаб билан боғлиқ хотиралар ёдга олинди.***

***— Эсинглардами, хайрлашув куни кичкина зиёфат ўтказгандик. Ўшанда ҳар биримиз ўз орзуларимиз ҳақида сўзлаганмиз. Йиллар ўтиб, орзу-истакларимиз ҳам амалга ошди. Мана, энди фарзандларимиз мактабни битириш арафасида туришибди.***

# ТАШВИШ КЕЛТИРГАН ТАНТАНА

### ёхуд битирув оқшоми арафасидаги ҳангомалар

— Ҳа, тўғри айтасиз, — деди даврадагилардан бири синфдошининг гапини маъқуллаб. — Лекин бугунги ўғил-қизлар анчайин бошқача-да. Мактабни битириш кечаларини бизникидай камтарона эмас, жуда тантанали ўтказишяпти.

Шу гап баҳона бўлиб, гурунгнинг чўғи янада баландлади.

— Ўғлим гап топиб келди, — суҳбатни давом эттирди яна бири. — Кеча битирув тантанаси учун сарфланадиган маблағ ҳаммага тақсимланибди. Тўрт-бешта йигит зиёфат дастурхони харажатларини зиммаларига олишибди. Қизлар ясатиш, безатиш, пишириш ишларига бош-қош экан...

Латофат даврадан чиқиб уйига қайтаркан, чуқур хаёлга толди. Қизи Малоҳат ҳам битирув оқшомига янги кўйлак буюртириб қўйган. Лекин бошқа харажатлар ҳақида ҳалигача лом-мим демади. Балки тортинаётгандир? Кечқурун қизидан шу ҳақда сўради.

— Менга кичкина нарсани юклашди. Аёл ўқитувчиларимизга иккита сават оларканман.

— Саватни нима қилишади?

Малоҳат онасига «шуниям билмайсизми?» дегандек қараш қилди.

— Гул солинган сават-да!

— Ҳа, бунақа демайсанми...

Латофат эртаси куни Олой бозоридаги гул дўконига борди. «Сават»лар нархини суриштирди. Фалон пулни айтишди. «Тавба, ҳозирча ёнимда шунча пул йўқ-ку!» ўйлади аёл. Эри Нўъмонжон ногирон, кўчага чиқолмайди. Ўзи ҳеч қаерда ишламаса... Анча-мунча пул сарфлаб қизига оқ кўйлак тикдиришди. Бу ойдаги нафақа пули эса кечикяпти. Битирув оқшомигаям бир кун вақт қолди. Нима қилсайкин? Кечки пайт қўшнисиникига чиқди.

— Эрим «бировнинг омонати» деб берган пулини обчиқдим, икки-уч кунда қайтарарсиз, унгача сўрамай турарлар...

— Барака топинг, Зарифахон, — Латофат уни узоқ дуо қилди.

Ҳаяжонли кун ҳам етиб келди. Латофат бозорга бориб иккита сават сотиб олдида, қизини мактабгача кузатиб келиш учун кийина бошлади. Шу пайт кўча эшигидан қўшни аёл ҳовлиқиб кирди.

— Вой, Латофат опа, эрим ҳозир ишхонасидан телефон қилди. Ҳалиги пулни сўраяптилар! Тайёрлаб қўй, бораман деди.

— Эртагача сабр қилолмасмикин-а? — Латофат бўшашиб ўтириб қолди.

— Эримга нима дейман, қарзга бердим деб айтмовдим-да. Уйга келса нақ бошимда ёнғоқ чақиши тайин. Жанжалкашлигини биласизку!

— Мени рўпара қилаверинг! Қизимни бекатгадовур кузатиб келай, сўнг уйда бўламан.

Қўшни аёл алланималар деганича чиқиб кетди. Латофат саватлардан бирини қизига тутқазди, бирини ўзи кўтариб йўлга тушишди. Анвойи гуллар солинган саватлар шу топда аёлнинг кўзига жуда хунук кўринар, ҳозир уйга қайтиши билан қарз машмашасига дуч келишини ўйлаб баттар ташвишга тушарди.

* * *

Айни баҳор кунларида мактабда дискотека ўтказилди. Ўша куни даврага кириб келган Санобарни қизлар ўраб олишди.

— Вуй! Атиринг бунча зўр! Бутун синфни атиргул ҳиди тутди-ку! Қаердан олдинг? Нархини айт!

— Жудаям қиммат. Айтсам чўчиб тушасизлар, — деди Санобар керилиброқ. Шундаям қизлар суриштиравеpишди. Ноила қўшниларининг келини сепиб юрадиган идиши чиройли атирни кўз олдига келтирдию дарров «Қизлар, менимча бу атир беш минг сўм туради!» деди.

— Ҳой қиз, тушингни сувга айт! — Санобар Ноилага киноямуз бокди. — Сен бундай нарсаларнинг фарқига борармидинг? Яхшиси, китобингни ўқиб юраверсанг-чи! Бу атирни олиш учун ўнта беш минг сўмни тахлашинг керак, билдингми?

Қизлар бир Ноилага, бир Санобарга қарашдию аҳвол мушкуллашиб кетмаслиги учун дискотекани бошлаб юборишди. Мана, ўшандан бери бир ҳафта вақт ўтдики, ҳанузгача Ноиланинг ичидаги алам ўти ҳеч босилмаяпти. «Мен ҳам мактабни битириш оқшомига албатта, энг яхши атирдан сотиб оламан!» деб пичирлади у. Бироқ, унинг нархи бозорда қанча туракин? Ахийри, қўшни келинни гапга тутди:

— Инобат кеннойи, сиз бозорни яхши биласиз, атиргул ҳидли қимматбаҳо атирнинг нархи қанчайкин?

— Юз минг! Бундайроғини қирқ-эллик минг сўмгаям олса бўлади.

— Менга ўша... бундайроғидан бир дона керак эдида. Мактабни битириш кечасигача олсам бўлди. Топиб берасизде-а?

— Майли. Савдолашиб арзонроққа тушириб оларман, сиз учун.

Келинойининг ваъдасини олгач, Ноила ўйланиб қолди. Хўш, энди пулни нима қилади? Шу заҳоти «ялт» этиб миясига бир фикр келди. Ота-онаси «буфетдан ул-бул олиб еярсан» деб қўлига пул беришади-ку, шуни йиғсачи? Ҳали битирув оқшомига бир ярим-икки ойча вақт бор, шунгача анча тўпланиб қолар. Нима қилиб бўлса-да, ўша қимматбаҳо атирни олиши шарт! Ўшанда у «асл нарса»ларнинг фарқига бориши»ни Санобарга кўрсатиб қўяди! Қолаверса, қизларниям қойил қолдиради. Хуллас, иштиёқ билан пул йиғишга киришди. Аксига олиб кейинги ҳафталарда дарслар жуда чўзилиб, имтиҳонолди машғулотлар қўшиб ўтиладиган бўлди. Бундай кезларда у қанчалик очиқиб, ҳолдан тоймасин, барибир ҳамёнидаги пулни ишлатгиси келмасди. Салкам икки ой шу тарзда кечди. Ноила ўзи тўплаган қирқ минг сўмни кечқурун қўшни келинга берди. Эрталаб эса қимматбаҳо атирга эга бўлганидан суюна-суюна уни кийим шкафининг энг юқорисига яшириб қўйди.

Аммо, орадан икки кунча ўтиб... Мактабда кун бўйи ланж бўлиб юрди. Нуқул боши айланар, кўз олди қоронғулашиб, юрганда қадамлари чалкашаверарди. Уйга қайтгач, ечинишгаям ҳоли бўлмай ётоққа ўтиб, тўшакка чўзилди.

— Сенга нима бўлди, қизим? — она қизининг аҳволидан ташвишга тушди. — Рангинг бунча оқариб кетибди? Вой, ўлмасам?! Баданингдан муздай тер чиқаяпти! Ҳозир дўхтир чақираман...

Эртаси куни она билан қиз анализ натижаларини билиш учун шифокор ҳузурига кирдилар. У аллақандай қоғозларни кўздан кечираркан, бош чайқаб деди:

— Аҳвол жуда жиддий! Анемия! Яъни, камқонликка учрабсиз. Агар тезда бунинг олдини олмасак, нохуш асоратлар қолдиради. Шу бугуноқ сизни касалхонага ётқизамиз!

— Индинга мактабда битирув оқшоми ўтказилади. Шунга бориб, кейин...

— Йўқ! Ҳозироқ муолажани бошлашимиз зарур! Мана ордер, — врач қизнинг онасига қараб деди: — Қизингиз учун хона тайёр, шифохонада икки-уч ҳафта даволанади!

Бир куни касалхонага — Ноиланинг ёнига шошаётган она кийим шкафидан қизининг ич кўйлакларини оларкан, буюмлар орасидаги аллақандай шиша идиш «тақ» этиб полга тушди.

— Вой, эссиз, синди, шекилли. Нима экан бу?

Аёл полга эгилиб улгурмасидан хона ичини кучли атир ҳиди қоплади. Худди қип-қизил атиргуллар ҳидидек хушбўй эди у...

* * *

Биз битирув оқшомлари боис нохуш воқеаларни эсладик. Аслида ўн бир йил бирга ўқиган синфдошларнинг самимий суҳбатлардан иборат бўладиган хайрлашув давралари наҳот бугунга келиб мутлақо бошқача тус олди? Шу оқшом билан боғлиқ харажатлар-чи? Ота-оналар (баъзан битирувчиларнинг ўзлари ҳам) бундай ташвишлар олдида чорасиз қолишаётгани рост-ку! Гала-гала оққушлар каби боғ ва хиёбонларни тўлдириб юрган йигит-қизлар бу кунларда ҳаммамизнинг кўзимизни қувонтиради, албатта. «Болаларимиз мактабни битириб, катта ҳаётга йўл олишяпти» деб ич-ичимиздан яйраб кетамиз. Бироқ, бу кунни ортиқча маблағ сарфламасдан, очиқроғи, беҳуда ташвишларсиз ҳам ўтказиш мумкин-ку!

Бирорта ота-она, ё бирор ўқитувчи, ҳатто бирорта маҳалла оқсоқоли «ҳалитдан бундай дабдабалар сизларга нима учун керак?» демаса ёхуд кўпчилик бўлиб уюшиб, шундай ҳолларнинг олдини олиш чораларини кўрмаса... Бундай лоқайдлигимиз бизни келгусида янада мушкул ҳолатларга рўпара қилмоғи шубҳасиз. Ўйлаб кўрайлик.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

# Спорт

Осиё ўйинлари олдидан



## Ирода: Қатарда бош соврин учун беллашаман

Жиззахлик Ирода Абдураҳмонова спортимизнинг янги чиққан юлдузларидан ҳисобланади. У дзюдо бўйича беш карра мамлакат чемпионлигини қўлга киритган. Яқинда Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медали совриндори бўлди. Шунингдек, Ирода 2004 — 2005 йилларда ҳам Осиё чемпионатига қатнашиб совриндор бўлган эди. Ўтган йили эса Москвадаги Бутунжаҳон ёшлар спорт ўйинларида учинчи ўринни эгаллади.

— Сўнгги мусобақаларда эришаётган натижаларимдан унчалик кўнглим тўлгани йўқ, — дейди Ирода кулиб. — Яқинда ўн етти ёшга тўлдим. Қатарда шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишга ҳаракат қиламан.

Дарвоқе, Ирода ҳозир устози Хайрулла Абдураҳмонов раҳбарлигида шу йилнинг декабрь ойида Қатар пойтахти Доҳада ўтказиладиган 15-Осиё ўйинларига ҳозирлик кўраяпти.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Эркин курашчилар баҳси

Бухорода эркин кураш бўйича 1989-90 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда ёш полвонлар ўн вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Биринчиликда энг кўп совринли ўринлар пойтахтимиздаги республика Олимпия захиралари коллежи курашчиларига насиб этди. Жумладан, Маъруф Нуруллаев, Ойбек Камолов, Абай Бекетов, Жамол Муратов, Воҳид Тошев ва Жамшид Ярашевлар ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритдилар.

Шунингдек, хоразмлик Ҳикматулла Ҳудойбергенов, бухоролик Ҳалим Жумаев, андижонлик Умиджон Исманов ва самарқандлик Соҳиб Маҳмудовлар ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

## Профессионал кикбоксингчилар рингда

Кеча Россиянинг Саранск шаҳрида профессионал кикбоксингчилар ўртасида тўртта жанг ўтказилди. Унда ўзбекистонлик файтер Ёқуб Камилов 82 килограмм вазн тоифасида россиялик Сергей Мостайкинга қарши рингга чиқди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**



## Келажак футболи бугундан бошланади

*Тошкент шаҳрида Ўзбекистон футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Prostart Event Management» компанияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида «Келажак футболи» лойиҳаси ўтказилмоқда.*

Тадбир доирасида пойтахтимиздаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ўртасида футбол мусобақалари ташкил этилади. Ундан кўзланган мақсад ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, спортга, хусусан, футболга қизиқишини орттиришдир.

**Барно СУЛАЙМОНОВА.**


**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАСИ**

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

1. **Навоий вилояти ИИБ Зарафшон шаҳри 64/41-сонли муассасаси казармаси, назорат-кириш пункти, ички йўллар ва ҳарбий машқ ўтказиш майдони ҳамда муассаса штабини тубдан таъмирлаш.**

*Тубдан таъмирлаш ишларини якунлаш муддати — 2007 йил 1 апрель.*

**Буюртмачи** — Навоий вилояти ИИБ Зарафшон шаҳри 64/41-сонли муассасаси. Телефон: (8-436) 572-49-16.

2. **Навоий вилояти ИИБ Навоий шаҳри 64/29-сонли муассасасининг қўриқлаш деворини тубдан таъмирлаш.**

*Тубдан таъмирлаш ишларини якунлаш муддати — 2 ой.*

**Буюртмачи** — Навоий вилояти ИИБ Навоий шаҳри 64/29-сонли муассасаси. Телефон: (8-439) 224-77-81, 224-69-77.

**Тубдан таъмирлаш ишларини молиялаштириш Навоий вилояти ИИБ 64/41 ва 64/29-сонли муассасаларига ажратиладиган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: мудофаа объектларида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришга рухсат берувчи махсус лицензияга эга, танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

**Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-436) 225-53-85.**

**Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати қурилиш учун – 50 000 сўм.**

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.*













«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси компания гуруҳ раҳбари **Дилшод Турғунович МУСАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Материаллар қаршилиги, механизм ва машиналар назарияси кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори, профессор Расул Каримовга падари бузруквори **Исҳоқ ота КАРИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси профессори Фаттоҳ Мирзаевга укаси **Талъат МИРЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456